



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI
BOG‘OT TUMANI HOKIMINING
QARORI

Boğ‘ot shaharchasi, O‘zbekiston ko‘chasi, 18-uy

2021 -yil 27 - mart

558 u -son

Boğ‘ot shaharchasi

Фуқаро Юлдашов Баҳадир
Бобожоновичнинг турар жой биносига
бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб бериш
тўғрисида

Боғот тумани “Нурафшон” шаҳарчасида яшовчи фуқаро Юлдашов Баҳадир Бобожоновичнинг “Нурафшон” шаҳарчасида жойлашган турар жой биносига бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб беришни сўраб туман ҳокимлигига йўллаган 2021 йил 2 февралдаги ШЯ-Ю-384-сонли аризасини, “Нурафшон” шаҳарчаси фуқаролар йиғинининг маълумотномасини ҳамда Хоразм вилояти ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр давлат корхонаси Боғот туман филиалининг 2021 йил 2 февралдаги 265-сонли маълумотномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Фуқаролик кодекси”нинг 187-моддасига, “Уй-жой кодекси”нинг 22, 23-моддаларига, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6, 10 ва 25-моддаларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 20-январдаги 18-сонли қарори билан тасдиқланган “Уйлар ва турар жойларни уй-жой фондига киритиш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосланиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Боғот тумани “Нурафшон” шаҳарчасида жойлашган 12 (ўн икки)та хонадан иборат, яшаш хоналари 4 (тўрт)та бўлиб, ички ўлчами 81,48 квадрат метр, ёрдамчи хоналар 8 (саккиз)та бўлиб, ички ўлчами 195,32 квадрат метр, жами хоналарнинг ички ўлчами 276,8 квадрат метр, қурилиш ости майдони 264,12 квадрат метр, умумий ер майдони 1360,0 квадрат метр ушбу турар жой биносига нисбатан фуқаро Юлдашов Баҳадир Бобожоновичга мулк ҳуқуқи асосида унга эгалик ҳуқуқи белгилаб берилсин.

2. Фуқаро Юлдашов Баҳадир Бобожоновичга ушбу турар жойи биносининг ер майдонидан бошқа мақсадларда фойдаланганда ҳамда келгусида янгидан қурилиши ёки қайта реконструкция қилиши, қўшимча хоналар ёки бошқа бино ва иншоотлар қурилиши учун белгиланган тартибда тегишли ташкилотлар билан келишмаган ҳолда амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси

“Ер кодекси”нинг 36, 38-моддаларига асосан ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи тўхтатилиши тўғрисида огоҳлантирилсин.

3. Фуқаро Юлдашов Баҳадир Бобожоновичга ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ушбу турар жой биносини давлат рўйхатидан ўтказиш мажбурияти юклатилсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Куръязов зиммасига юклатилсин.

Боғот тумани ҳокими



Ш.Яхшибаев